18 АВГ 1982

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

18 АВГУСТ, 1982 ЙИЛ
ЧОРШАНБА
№ 188 (2.594).
Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика партия, совет, қишлоқ хўжалик, тайёрлов органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, колхозлари, совхозлари, қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналари, меҳнаткашлари Леонид Ильич Брежневнинг кўрсатмаларини бажара бориб, ҳамма жойда мўл эртапишар пахта ҳосили олинишини фидокорона меҳнатлари билан таъминлайдилар, пахта теримини қисқа муддатларда, юқори сифатли қилиб ўтказадилар. 1982 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар ва шу тариқа КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларининг турмушга тадбиқ этилишига муносиб ҳисса қўшадилар ҳамда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

ҚИШЛОҚДА ПУДРАТ

Август —мамлакатнинг бир қатор галлакор районларида ўрим-йиғимнинг долзарб палласи. Кубань ва Дон, жанубий Украина ва Поволжьенинг кўп хўжаликлари Ватан хирмонларига юз минг тонналаб галла тўкиб, бошоқли экинлар ўрим-йиғимини муваффақиятли тугалладилар ва давлат олдидаги энг муҳим бурчларини бажардилар. Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари мева сабзавотни тобора кўп миқдорда жўнатмоқдалар. Белоруссия ва Ўзбекистон чорвадорлари шараф билан ўз ваъдаларни устидан чиқмоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларини бажара бориб, совет кишиларининг мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг дастлабки натижаларидан шу йилнинг ўзидаёқ баҳраманд бўлиш учун интилмоқдалар.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд-мукофот усулида ягона наряд билан ишловчи механизациялаштирилган звенолар, отрядлар, бригадалар ва фермалар социалистик мусобақада жанговар тақаббўс кўрсатмоқдалар. Ҳозирги вақтда деҳқончилик соҳасидагина хўжалик ҳисоби асосида ишловчи 32 мингга яқин шундай коллектив бор. Улар озуқа етиштиришда, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ҳам муваффақиятли ишламоқдалар. Николаев областининг меҳнаткашлари кўп йиллик тажрибалари билан галлакорлар пудратининг афзалликларини тасдиқладилар. Галлакорлар пудрати янгликни ўрганиш ва жорий этишнинг Бутуниттифоқ мактаби бўлиб қолди. Ўзбекистон пахтакорлари Наманган областининг деҳқонларидан ўрнак олиб, бу усулни жорий этмоқдалар. Куйбишев, Омск областлари ва бошқа областларнинг чорвадорлари фойдали тажриба тўпладилар. Коллектив пудрати меҳнат унумдорлигини ўстиришга, ресурсларни тежашга ёрдам бераётганлигини тажриба яққол кўрсатиб турибди.

Хуллас, прогрессив методнинг самарали эканлиги тамомила аёндир. Шу бош йиллиқнинг ўзидаёқ аграрсаноат комплекси тармоқларида бригада ва коллектив пудратини, меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд-мукофот усулини кенг жорий этиш кўзда тутилади. Бу эса ҳар бир ходимнинг манфаатлари билан бутун коллективнинг манфаатларини маҳкам боғлаб бориш, меҳнат ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда юксак пировард натижалар олиш учун уларнинг жавобгарлигини ошириш, совхоз ва колхозларда ҳақ тўлашни яхшилаш имконини беради. «Бу соҳадаги энг муҳим иш шундан иборатки,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев, —ҳар бир меҳнаткаш ўзи нима иш қилганлиги билан қанча ҳақ олганлиги ўртасидаги бевосита, оддий ва тушунарли алоқани кўриб, сезиб турадиган бўлсин».

Хўжалик ҳисобидаги бошланғич ишлаб чиқариш бўлинмаларида худди шундай шароит вужудга келтирилмоқда. Бу бўлинмаларда вақт-вақти билан аванс бериб турган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд-мукофот усулини моҳирлик билан қўлланмоқдалар. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, механизаторларнинг ўзлари жуда тўғри айтгандек, машина ғилдирагининг айланишига қараб эмас, балки етиштирилган бошоқнинг миқдорига қараб ҳақ тўланади. Бошқача қилиб айтганда, ишнинг умумий ҳажмига қараб эмас, трактор ёки комбайн ғилдираги айланиб ўтган гектарлар миқдорига қараб эмас, балки деҳқон ишининг пировард натижасига —ҳосилнинг мўл-кўллигига қараб ҳақ тўлаш керак. Чорвадорлар орасида ҳам рағбатлантиришнинг худди шундай принципи амалга оширилмоқда: мол тўёғи учун эмас, кўп сут согиб олинганлиги ва семиртириб боқилганига қараб ҳақ тўлаш лозим.

Маҳсулотнинг планда белгиланган миқдорда олинишига қараб баҳолаш асосида тўланадиган ҳақни белгилашнинг мураккаб системаси яқин вақтларгача шундай тартиб ўрнатилишига тўсқинлик қилиб келган эди. Механизаторнинг бир йил ичида олган меҳнат ҳақида маҳсулот учун қўшимча тўланган пулнинг салмоғи ўнча кўп эмас —салкам тўрт-олти процентини ташкил қилар эди. Хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларда бу кўрсаткич икки-уч баравар ортиқ, лекин у бунда ҳали ҳал қилувчи роль ўйнамаган эди. Эндиликда бу нуқсонлар асосан тугатилди. Меҳнат ҳақининг ишлаб чиқаришдаги пировард натижалар билан боғланишини кучайтириш ва бригада пудратига ўтишдан ишчиларнинг манфаатдорлигини ошириш учун совхозларнинг директорларига ўтган бош йил ичидаги ўртача ҳосилдорликни ва олинган маҳсулот учун қўшимча тўланган ҳақни ҳисобга олган ҳолда стабил баҳолар белгилаш ва бунда иш ҳақи тариф фондининг аввалгидек 125 процентини эмас, балки 150 процентини асос қилиб олиш ҳуқуқи берилди. Рағбатлантиришнинг бундай усулларини колхозларда ҳам қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги яқинда деҳқончилик ишларида коллектив пудратни жорий этиш юзасидан тавсияларни тасдиқлади. Эндиликда ҳамма нарса ташкилотчилик ишини пухта олиб боришга боғлиқ. Жойлардаги қишлоқ хўжалик органлари янгиликка кенг йўл очиб бериш учун ҳамма ишни қилишлари керак. Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, ҳозирги вақтда деҳқончилик соҳасида барча бригада ва звеноларнинг атиги 9 процентигина пудрат усулида ишламоқда. Ишбайдан аккорд усулига ўтиш осон ишдек туюлади. Дарҳақиқат, машҳур деҳқонлардан В. Первицкий, А. Черепова, В. Махно ва бошқа илғорлар бошчилигидаги звеноларнинг муваффақиятларидан ҳамма ҳурсанд. Аммо ана шу ахил коллективлар коммунистларнинг қунт билан, жиддий ишлашлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари кўрсатган ёрдам туфайли бир неча йил мобайнида таркиб топганлигини унутмаслик керак.

Масалан, бундай коллективлар кам бўлган Мари автоном республикаси, Псков, Иваново, Липецк областлари ва бошқа областларда масалага афсуски, бошқача ёндошилмоқда. Бунда партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари қишлоқда пудрат усулини жорий этишга бепарво қараётганлиги яққол кўриниб турибди. Редакция олган хатлардан маълум бўлишича, бир қанча жойларда муваққат технологик бўлинмалар билан доимий бўлинмаларни ҳеч асос бўлмагани ҳолда бир-бирига қарама-қарши қўядилар, ихтиёрийлик принципини бузадилар. Қишлоқ меҳнаткашлари пудрат звеноси, бригадасига бирлашиб, ер ва техникадан самарали фойдаланиш, юксак пировард натижаларга эришиш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга шай бўлиб турибдилар. Аммо айрим хўжалик раҳбарлари ўзаро тузилган шартноманинг ўзларига тегишли қисмини пухта бажармаётирлар, пудрат звеноларининг самарали ишлаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирмаётирлар.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги нуқсонлар ҳам, қолоқ фикрлар ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу эса бригада методининг моҳиятига —унинг хўжалик ҳисоби асосида иш кўришига путур етказади. Хўжалик ҳисобидаги бригадага кенг йўл очиб бериш учун хўжалик механизмини қайта қуришни давом эттириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, меҳнатни планлаштириш ва ҳисобга олишдаги расмиятчилик билан курашиш зарур.

Қишлоқ район партия комитетлари бу ишда муҳим роль ўйнайдилар. Улар коллектив пудратни қўллаб-қувватлашлари ва ривожлантиришлари, қишлоқ меҳнаткашларигагина эмас, балки аграр-саноат комплекси бўйича буларнинг шериклари ва ҳам маъмурий ва моддий рағбатлантиришни такомиллаштиришлари лозим. Бунинг учун Винница область Ямполь районининг Эстония, Латвия, Грузия ва бошқа республикаларидаги район агросаноат бирлашмаларининг маълум тажрибасини билиб олиш фойдалидир.

Қишлоқда коллектив пудратни, меҳнатга аккорд-мукофот усулида ҳақ тўлашни изчиллик билан жорий этиш КПСС XXVI съездининг қарорларини муваффақиятли амалга оширишга, Озиқ-овқат программасини бажаришга ёрдам беради.

(«ПРАВДА»нинг 17 августдаги бош мақоласи).

ПАРВАРИШНИ БЎШАШТИРМАЙ, ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ШАЙЛАНАМИЗ

ПАХТАКОРЛАРИМИЗ РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ ҚАРОРИГА ЖАВОБАН АНА ШУНДАЙ ДЕМОҚДАЛАР

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз заршунослари гўза парваришини бўшаштирмай, йиғим-теримга пухта тараддуд кўрмоқдалар. Совхоз азматлари бу йил она-Ватанга 13 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга азму-қарор қилганлар. Деҳқонларнинг тадбиркорлиги ва фидокорона меҳнати туфайли 4 минг гектар майдонда мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилмоқда.

Суратларда: 1. Совхоз далаларида гўза қатор ораларига ишлов берилаётган пайт. 2. Пешқадам механизатор Тўйчибой Раҳимов (чапда), бригада бошлиғи Эркин Яхшибоев ва 4-бўлим бошқарувчиси Муқим Раҳимжоновлар навбатдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқдалар.

Ж. Тўраев фотолари.

МАШИНАЛАР—ТАЯНЧИМИЗ

Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози механизаторлари бу йил етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини машиналар ёрдамида терib олишга қарор қилдилар. Бу ҳақда моҳир механизатор ўз мулоҳазаларини ўртоқлашади.

Пахтакорларимизнинг йил бошидан бери қилган машақатли меҳнатлари самараси кўзга кўриниб қолди. Минерал ва маҳаллий ўғитга ўйдирилган ғўзалар сув билан яшнаб, серҳосил бўлиб етилмоқда. Бўлиқ кўсаклар заллари баракали хирмондан дарак бериб турибди. Бугунги кунда ҳосилга ҳосил кўшиш учун парваришни бўшаштирмаган ҳолда олиб бориш жуда муҳимдир. Тажрибали деҳқонлар таъбири билан айтганда, ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлмаслик парваришни уюшқоқлик билан олиб бориш лозим. Чунки ҳосил тақдири шу даврдаги дамларда ҳал бўлади.

Август ойида ғўза қатор ораларида нам бўлишини таъминлаш, тупроқнинг майин юмшатилишига эришиш билан тўпланаётган ҳосилнинг тўла сақлаб қолишини таминланади. Шу билан бирга кўсаклар барвақт етилиб, ҳосил йиғим-теримига ҳар йилгидан эртарок киришиш имконини беради. Бунинг ҳаммаси механизатор ва сувчининг ўзаро ҳамжиҳатлик билан иш юритишига, муҳим агротехник тадбирларнинг бир-бирига боғлаб олиб борилишига боғлиқдир.

Биз бу йил етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида терib олишга қарор қилган эканмиз, ғўзаларнинг машинабоп бўлиб ўсишини таъминлашга алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Бунинг учун чеканкани ўз муддатида сифатли ўтказиш яхши самара беради. Кейинги йилларда ғўза чеканкаси «техника ёрдамида табақалаб ўтказилянти.

Етиштирилган ҳосилнинг юқори сифатли бўлиши ҳам биз механизаторларга боғлиқдир. Шунинг учун ғўза қатор ораларига ишлов беришда иш сифатига алоҳида эътибор берамиз. Эгатларда бирор туп ҳам бегона ўтнинг бўлмаслиги учун курашамиз. Бегона ўт ҳосилдорликни камайтириш билан бирга пахта сифатига таъсир қилади. Яъни йиғим-терим пайтида тўпланаётган ҳосилнинг тўла сақлаб қолишини таминлайди. Шу билан бирга кўсаклар барвақт етилиб, ҳосил йиғим-теримига ҳар йилгидан эртарок киришиш имконини беради. Бунинг ҳаммаси механизатор ва сувчининг ўзаро ҳамжиҳатлик билан иш юритишига, муҳим агротехник тадбирларнинг бир-бирига боғлаб олиб борилишига боғлиқдир.

Биз бу йил етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида терib олишга қарор қилган эканмиз, ғўзаларнинг машинабоп бўлиб ўсишини таъминлашга алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Бунинг учун чеканкани ўз муддатида сифатли ўтказиш яхши самара беради. Кейинги йилларда ғўза чеканкаси «техника ёрдамида табақалаб ўтказилянти.

Етиштирилган ҳосилнинг юқори сифатли бўлиши ҳам биз механизаторларга боғлиқдир. Шунинг учун ғўза қатор ораларига ишлов беришда иш сифатига алоҳида эътибор берамиз. Эгатларда бирор туп ҳам бегона ўтнинг бўлмаслиги учун курашамиз. Бегона ўт ҳосилдорликни камайтириш билан бирга пахта сифатига таъсир қилади. Яъни йиғим-терим пайтида тўпланаётган ҳосилнинг тўла сақлаб қолишини таминлайди. Хўжалигимизда ҳар бир механизаторга 40—50 гектар ер биркитиб қўйилган. Ана шу майондаги экилга механизатор ва сувчи жавобгардир. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти механизатор ва сувчиларнинг умумий меҳнат қилишлари учун барча шароитни яратиб бермоқдалар. Ўзаро социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилган. Илғорлар доимий моддий ва маънавий рағбатлантириб борилянти.

Бу йил кўсаклар ўтган йилга нисбатан 8—10 кун эрта пишиб етилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳосил йиғим-теримига тайёрларликни бер вақт бошладик. Бугунга келиб барча турдаги терим машиналари техника, асбоб-ускуналар мавсумга шай ҳолга келтирилди. Бу йил пахта далаларида 13 та терим машинаси ишлайди. Йиғим-терим дала — бункер — қабул пункти усулида олиб борилади. Иккита йиғим-терим отрядига 3—4 талон звено бирлашади. Бундан ташқари техника хизмати ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш отрядлари ҳам ишлайди.

Колхозимизда етиштирилган ҳосилнинг 90—95 процентини юқори сифатларга тоширишни мўлжалланмоқда. Бунинг учун дала ишлари юксак уюшқоқлик билан ўтказилиб, терим сифатига алоҳида эътибор берилади. Ҳосил қабул пунктларига фақат бригада усулида тоширилади. Бу тадбир пахта сифатининг юқори бўлишини таъминлайди.

Колхозимиз заршунослари бу йил зиммаларига улкан мажбуриятлар қабул қилишган. Ҳосилдорликни гектар бошига ўртача 3—4 центнерга ошириш, эл хирмонига ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш учун курашиляпти. Давлатга камида 3200 тонна юқори сифатли пахта етказиб берилади. Механизаторларимиз ҳали етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида йиғиб-терib оладилар. Йиғим-теримни ишатволиклар тажрибаси асосида ташкил этамиз. Бу усул машиналарнинг юқсак унум билан ишлашини таъминлайди. Натижа пахта тайёрлаш халқ хўжалиги плани 10—12 иш кунида бажарилмоқда. Бу йил ҳам 1 октябрягача пахта тайёрлаш плани ошириб адо этилади. Ҳозирдан ана шу кўзланган талбирларнинг гўла амалга оширилиши учун астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Пахта йиғим-теримига пухта тараддуд кўришда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати министрликларининг, республикадаги колхоз ва совхозларнинг 1982 йил ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарликни тугаллаш ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахта сифатини ошириш ҳақидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қарори биз учун дастурламал бўлмоқда.

М. ДЕҲҚОНОВ.
Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози механизатори.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ФАХРЛИ БУРЧИ

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг ҳужжатларида ва ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг шу пленумда қилган докладида ўртага қўйилган катта ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда матбуот, телевидение ва радио эшиттиришнинг роли катта. Республика, область ва район газеталари, телевидение, радио эшиттириш ва ахборот агентликлари ходимларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетичақирган ва 17 август куни Тошкентда бўлиб ўтган семинарида республика журналистларининг бу соҳада қилаётган ишлари, улар ҳал этиши лозим бўлган биринчи галдаги вазифалар тўғрисида гаплашиб олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Э. Ғ. Ғафуржонов, Т. Г. Зиннн, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев қилган докладларда ва семинарда сўзланган нутқларда КПСС Марказий Комитетимай Пленумининг қарорларини моҳирона ва чуқур тушунтириб бериш, ҳар бир меҳнатчининг Озиқ-овқат программасини тезроқ бажариш йўлидаги умумхалқ курашида ўз ўрнини англаб олишга фаол ёрдам бериш зарурлиги тўғрисида гапирилди. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини пропаганда қилиш қандайдир кампания эмаслигини тушуниб олиш муҳимдир. Белгиланган режаларни амалга ошириш соҳасида партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари қилаётган ишни батафсил ёритиб бериш, қишлоқ меҳнатчиларининг, бутун агросаноат комплекси меҳнаткашларининг социалистик мусобақаси кенг қулоч ёзишига ҳар томонлама кўмаклашиш, илғорларнинг ташаббускорлик билан бошлаган янги ишларини ва тажрибасини кенг оммалаштириш лозим. Озиқ-овқат программасини амалга рўёбга чиқарастган кишилар тўғрисидаги, қишлоқ район партия комитетларининг фаолияти ҳақидаги, агросаноат комплексини бошқариш системаси тўғрисидаги материаллар матбуотда, телевидение ва радио программаларида муносиб ўрин олиши лозим.

Қишлоқни ривожлантиришнинг истиқбол проблемаларини ёритиш билан айни бир вақтда кундалик вазифаларнинг ҳал этилишини моҳирона оператив анализ қилиш кераклигига семинарда эътибор жалб қилиб ўтилди. Шу муносабат билан республика оммавий ахборот воситалари ходимларининг бу йилги пахта терими кампаниясини идеологик жиҳатдан таъминлаш вазфаларига алоҳида эътибор берилди. Олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини мносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақани кенг қулоч ёздириш —журналистларнинг фахрли бурчидир. Оммавий ахборот воситаларининг гоят бой жамики хазинасини ишга солиб, қишлоқ меҳнатчиларнинг куч-ғайратларини ҳар қандай қийинчиликларга қарамай етиштирилган мўл ҳосилнинг ҳаммасини қисқа муддатларда терib олиб, тайёрлов пунктларига элтиб қўйишга, техникадан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, пахта тозалаш саноати министрликларининг, республикадаги колхоз ва совхозларнинг ҳосилни йиғиштириб олишга тайёргарликни тугаллаш ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахта сифатини ошириш ҳақидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида қуни кеча қабул қилган қарорида баён этилган амалий тадбирларнинг бутун комплексини муваффақиятли рўёбга чиқаришга қаратиш керак.

Чорвачиликни ривожлантиришга, ем-хашакни тайёрлашга, дон сабзавот, мева, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга тааллуқли масалалар доимо журналистлар коллективларининг диққат марказида туриши лозимлиги семинарда уқтириб ўтилди. Шу куннинг шиори —етиштирилган жамики ҳосилни сақлаб қолиб, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари учун фойдаланишдан иборат эканини асло унутмаслик керак.

Семинар қатнашчилари ўз нутқларида қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш маданиятини ошириш масалаларини ёритиш, пахта терими кампанияси даврида матбуот марказларининг иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ф. У. Салимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 16 август куни Қримда ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский билан учрашди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко ва ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари Ю. Чирек қатнашдилар.

Л. И. Брежнев билан В. Ярузельский ҳар икки партия ва давлат сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтдики, совет коммунистлари, совет меҳнаткашлари саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар, Экономикани бошқаришни такомиллаштириш ва КПССнинг XXVI съезди белгилаб берган социал-иқтисодий программани амалга ошириш учун кўп иш қилинмоқда.

В. Ярузельский қуйидагиларни хабар қилди: Польша раҳбарлари ПБИПнинг IX съезди қарорларига мувофиқ амалга ошираётган фавқулодда талбирлар, сиёсий ва иқтисодий фаолият натижасида мамлакатда аста-секин ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. ПБИП ишчилар синфи билан, барча меҳнаткашлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга эришмоқда. Польшанинг тарихий ва социалистик бойликларини қалрлаётган барча поляк ватанпарварларини жипслаштириш лозим бўлган миллий тикланиш ҳаракати ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга сиёсий ва иқтисодий кризиснинг оғир оқибатлари ҳануз сезилиб турибди. Польша жамияти осойишта иш юритиб, ватанпарварларча масъулият туйғуси, тартибга солинган меҳнат билан мавжуд қийинчиликларни бартараф қилмоқда. Контрреволюцион подпольеснинг мавжудлиги мамлакатнинг кризисдан чиқиш жараёнига тўсқинлик қилмоқда. Бу подполье ташқаридан, аввало АҚШ томонидан берилган йўл-йўриқлар ва уларнинг мадали билан иш олиб бормоқда.

Л. И. Брежнев ва В. Ярузельский ижтимоий фаолиятнинг барча асосий соҳаларида Совет — Польша алоқалари социалистик интернационализм, ҳуқуқий тенглик, суверенитетни ҳурмат қилиш, ўзаро ўзаро ёрдам принциплари асосида мустаҳкамланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси ПХР партия-давлат делегациясининг шу йил март ойида СССРга қилган визити вақтида эришилган аҳдлашувга мувофиқ олиб борилмоқда. Польшанинг СССР билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш Польша экономикасини соғломлаштиришга кўмаклашади, унинг муваффақиятли ривожланиши учун истиқбол яратиб беради.

Польша жамияти, деб таъкидлади В. Ярузельский, Польша душманларининг СССР ПХР ички ишларига гўё аралашаётганлиги тўғрисида тўқиб чиқараётган ифво ва бўҳтонларига ишонмади. «Совет Иттифоқи аралашуви» Польшадаги ишлаб чиқариш қувватларининг талайгина қисмини иш билан таъминлайдиган хом ашё, материаллар ва комплектлаштирувчи буюмларни, кредит ва буюртмаларни барқарор равишда бериб туриш демакдир. В. Ярузельский поляк халқига кўрсатилаётган катта ва қимматли ёрдами учун Совет Иттифоқига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи Польша Халқ Республикаси олдида турган халқ хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун бундан буён ҳам ўз имкониятлари доирасида ёрдам бераверади, деб уқтириб ўтди.

Л. И. Брежнев билан В. Ярузельский ўртоқлар халқаро вазиятга баҳо бериб, СССР ва ПХР суверен давлатларга тазйиқ ўтказишнинг иқтисодий жазо чоралари каби воситаларидан фойдаланаётган АҚШнинг, НАТОдаги бошқа бир қанча мамлакатларнинг ҳатти-ҳаракатларини қатъиян қоралайдилар, деб таъкидладилар. Америка маъмурияти халқаро ҳуқуқ нормаларини, БМТ уставини бузиб, Польшага мисли кўрилмаган даражада тазйиқ қилиш йўлига ўтди. Бу сиёсат АҚШ империализмининг манфаатлари йўлида иқтисодий қийинчиликларни чуқурлаштириш, мамлакатдаги вазиятни изидан чиқариш мақсадини кўзда тутади.

Ҳар икки партия ва ҳар икки давлатнинг раҳбарлари қуйидагиларни зўр қатъият билан таъкидлаб ўтишни зарур деб қисоблайдилар: молиявий ва бошқа хилдаги жазо чоралари сиёсати халқаро ишларда қораланишга сазовор бўлган метоллари ишлатувчи мамлакатларнинг ҳам манфаатларига қайтиб ўриладиган тошдан бошқа бир нарса эмас. СССР билан ПХР турли социал системаларга мансуб давлатлар ўртасида иқтисодий соҳада тартибга солинган ўзаро мусобақатлар, тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарафдори бўлиб қолмоқдалар.

Польша тарихий жиҳатдан Европа тақдирида сезиларли роль ўйнайди. Унинг бу роли Польша ғарбида социалистик давлат вужудга келиши билан жуда кучайди. ПХР социалистик ҳамдўстликнинг ажралмас бўғини бўлиб, ўзининг тинчлик ва яхши қўшничилик сиёсати билан Европада урушдан кейинги тузумнинг барқарорлигига, мавжуд чегаралар нинг даҳлсизлигига ёрдам бермоқда.

СССР билан ПХР аввалгидек хозирги пайтда ҳам Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ҳарбий-сиёсий кризислар ва янги жаҳон урушн хавфини камайтириш йўлини қатъият билан ўтказиб келмоқдалар. Халқаро муносабатларда зўравонлик ва бебошликка ўрин бўлмаслиги керак.

Л. И. Брежнев билан В. Ярузельский жаҳоннинг бир қанча районларида мураккаб вазиятлар юзага келтирилаётганлиги ва жумладан, Яқин Шарқда Исроил бошлаб берган уруш яна аланга олганлигидан ташвишланганликларини билдирилар. Фаластиниликларнинг ва Ливаннинг фожиаси учун Исроилгина эмас, Қўшма Штатлар ҳам жавобгардир.

Совет Иттифоқи билан Польша Фаластин Озодлик ташкилотини, Сурияни, Ливанни, араб халқларининг ҳаққоний ишини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай берадилар. СССР билан ПХР Яқин Шарқ проблемаларини сиёсий жиҳатдан кенг қўламда ва адолатли равишда мустаҳкам ҳал этиш тарафдорлиги.

Л. И. Брежнев билан В. Ярузельскийнинг учрашуви самимий муҳитда ўтди ва икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам, халқаро ишлар юзасидан ҳам қараашларинг тўла бирлигини тасдиқлади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ва ПБИП Марказий Комитети секретариати мажмасининг мудири Б. Колодзейчак қатнашдилар.

(ТАСС).

РЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

СОВЕТЛАР МЎЛ-КЎЛЧИЛИК УЧУН КУРАШДА

Шу кунларнинг қадри, масъулияти бўлакча. Қайси бир меҳнат коллективида бўлиб, ким билан суҳбатлашманг СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли амалга оширилишига муносиб улуш қўшиш орзусида меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. КПСС Марказий Комитети май Пленуми ўртага қўйган долзарб вазифалар партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари қатори Советларнинг ҳам зўр уюшқоқлик, омилкорлик кўрсатиб ишлашга даъват этади. Биз буни чуқур ҳис қилган ҳолда белгиланган тадбирларимизни изчил амалга оширишга қаратилган катта ташкилотчилик ишларини олиб бораяпмиз. **«...Хаммамиз Озиқ-овқат программаси шу йилнинг ўзидаёқ дастлабки самараларини бериши лозим, деган яқдил фикрда бўлсак керак,—** деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қилган докладида. **—Бу ҳол қишлоқ хўжалигидаги бутун аграр саноат комплексидаги жамики ишлаб чиқариш циклига нисбатан оширилган талаблар қўяди».**

Район совети ижроия комитети ана шу жанговар кўрсатмалардан келиб чиқиб чорвачилик, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш, фермаларни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, агросаноат комплексини ривожлантириш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор бермоқда. Район совети ҳузуридаги доимий комиссиялар, 12 та қишлоқ ва посёлка совети, 591 нафар халқ депутати Озиқ-овқат программасини амалга ошириш бўйича боғлиқ бўлган соҳаларни изчил ривожлантиришга интилмоқда. Район Совети сессияларида, ижроия комитет мажлисларида қишлоқларни социал планлаштириш, чорва моллари ва паррандалар бош сонини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишни ташкил этиш масалалари мунтазам қараб чиқилиб, қарорлар қабул қилинмоқда. Район Совети ҳузуридаги доимий комиссиялар, 12 та қишлоқ ва посёлка совети, 591 нафар халқ депутати Озиқ-овқат программасини амалга ошириш бўйича боғлиқ бўлган соҳаларни изчил ривожлантиришга интилмоқда. Район Совети сессияларида, ижроия комитет мажлисларида қишлоқларни социал планлаштириш, чорва моллари ва паррандалар бош сонини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишни ташкил этиш масалалари мунтазам қараб чиқилиб, қарорлар қабул қилинмоқда. Қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари, ишчилар депутатлари Советлари депутатлари, ишчилар ва деҳқонлар депутатлари Советлари депутатлари, ишчилар ва деҳқонлар депутатлари Советлари депутатлари, ишчилар ва деҳқонл

СОХТА СПРАВКАЛАР,

ёки шаҳар бозорларида селитрали қовун-тарвузларни мақтаб сотаётган кўзбўямачилар ҳақида

Жавобгарликка тортиш керак

Полиз маҳсулотлари сифати тўғрисидаги бугунги суҳбатимизни Улуғ Ватан уруши ветерани Иосиф Викторович Тарашкевичнинг реплакцияга йўллаган хатидан бошламоқчимиз. «Матбуот саҳифаларида босилаётган мақолаларга қарамай тановул қилишга яроқсиз қовун-тарвузлар сотувга чиқарилмоқда. —деб ёзади у. —Гарчи мен юрист бўлмасам-да, нишларни заҳарлайдиган полиз маҳсулотлари етиштираётган шахслар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари керак, деб ҳисоблайман. Биринчидан, брак қилинган маҳсулотларни сотиш инсон саломатлиги учун зиёнлир. Иккинчидан, тупроқка нормадан ортиқ минерал ўғитларни солиб сунъий равишда маҳсулотни тарозибосди қилаётганларнинг иши қонунга хилофдир. Учинчидан, брак қилинган маҳсулот ҳисобига планлар бажарилаётганлиги тўғрисидаги сохта ҳисоботларга нима дейиш мумкин? Гарчанд кейинги йилларда бу борада белгиланган тарбиявий ишлар ўз самарасини бермаган экан, балки энди бу масалага қонун нуқтаи назаридан ёндошиш керакдир. Ана шундай наллоларни қатъий жавобгарликка тортиш керак, токи у бошқаларга сабоқ бўлсин. Бу ўринда тергов органлари ўзларининг қатъий сўзларини айтишлари керак».

Оқшомхонинг бу фикри ҳар томонлама диққат билан ўрганишга моликдир.

Редакцияга келган ўнлаб мактублар ана шу мавзуладир. «Чилонзорлари бозордан тарвуз сотиб олган эдим, заҳарланиб қолдим. Хўш, ўнинг сифатини ким текширган эди? Бундай маҳсулотнинг сотилишига нега йўл қўйилди?» Е. Никулина мактубидаги бу саволлар ниҳоятда ўринлидир.

—«Госпитал» бозорида полиз маҳсулотлари сотаётган сотувчиларнинг ҳаммасида ҳам ўтказилган анализ тўғрисида справка бор деб бўлмайди, —маълум қилади ўз хатида А. Владимирова.

— Демак, озиқ-овқат станцияси назорати ходимлари бу полиз маҳсулотларини текширишмаган экан-да». Дарҳақиқат, сифатсиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдаги ҳар қандай қинғир йўлларга гов қўйиш керак. Ана шундагина бундай ноғнеъматларнинг авваги шуҳратини тиклаш мумкин.

Расмиятчилик ва бепарволик бўлгач

Юқоридаги фикрларнинг нақадар долзарб эканлигини қуйидаги фактлар исботлайди. «Бўка» совхозида етиштирилаётган полиз маҳсулотлари тановул қилишга яроқсиз экан. Кейинги кунларнинг ўзидагина ана шу хўжалик тўрт ишчисининг маҳсулоти брак қилинди. Раҳматилла Ғуйдошев, Абдужалил Эрматов, Ғиёсали Ҳидиров, Юсуп Маҳмудовлар селитрага бой қовунларини Октябрь колхоз бозорида сотишга уринди кўришди. Лекин улар бу ниятларининг уддасидан чиқишолмади.

Бинобарин, бу тўрт кишининг ҳаммаси енгил саросима билан қутилиб уйларига жуфтакни ростлашди. Уларнинг ноқобил ишларининг ягона гувоҳлари бўлмиш озиқ-овқат назорати станциясининг мутахассислари уларнинг бундай фалқулодда қилмишидан Бўка райони раҳбарларини хабардор қилмади.

—Ҳозир ишимиз шунчалик кўпки бу маҳсулотни олиб келганларнинг иш жойига шу ҳақда хат ёзишга умуман қўл тегмаяпти, — дейди станция мудири Н. Петросян.

Бундай сўзни ҳамма нарсага умуман бефарқ қарайдиган кишигина айтиши мумкин. Қани унинг граждалик бурчи? Топширилган иш участкаси учун масъулият ҳисси қани? Ахир озиқ-овқат станциясининг ходимлари бонг уришлари, хилоф иш қилаётганлар жавобгарликка тортилишига эришишлари керак эди-ку!

Шаҳар ветеринария хизматига шаҳардаги бозорларнинг барча гўшт-сут ва озиқ-овқат назорати станциялари бўйсунади. Лекин унинг раҳбарлари , жуда лоқайдлик кўрсатишаяпти. Улар қовун-тарвузларнинг сифатини

ТАЪЗИМ СИЗГА, ЯХШИЛАР

Одамийлик ҳақида ўйлар

Ўз йўлини топиш, ўз ўрнини билиш — инсон учун энг муҳими шу, бу инсоннинг ўзлигини таниш демакдир.
В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

Тажрибали чорвадор Ҳайитбой Абдуқодиров эски қадрдони Йўлдош акани яна ичкилик йўлига кириб кетганлигини эшитди-ю кайфияти бузилди. Узоқ йиллар хўжаликда ёнма-ён ишлаб, юрагига яқин бўлиб қолганиданми, узу-кун ферма ишласа-да, ҳаёли Йўлдош акада бўлди. Шу топда унга жуда оғир эканлигина яхши биларди. Бошқа ҳамқишлоқлари қатори ҳамкасбининг қалбига йўл топиб, ҳаётда тўғри йўлга тушиб олишида ёрдамлашиши лозимлигини бурчи деб билди. Шу сабабли оқшом қўниши билан қишлоқнинг табаррук кексаларидан — Жоникул ота Соатов, Мирза ота Ниёзовларни ёнига олиб, Турсуновлар хонадонига кириб борди.

Шинамгина ҳовлидаги олма дарахти тагига қўйилган каравотда Йўлдош ака ҳолсизгина ўтирарди.

— Биролар, — гап бошлади Жоникул ота салом-аликдан сўнг. — Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ширинлик билан, роят мазмунли ҳаёт кечириш керакки, токи ёшинг бир ерга етганида элюрт олида уялиб, аттанг деб юрма.

— Туриб-туриб кишига таъсир қилади, — суҳбатга аралашди Мирза ота, — мана шу зорманда ароққа ружу қўйиб ким обрў топибди, ким. Ичкиликнинг охири вой. Касофат ароқ билан ошно бўлган кишининг ишидан ривож, уйидан қутбарака кетади. Аҳиллик, тотувлик йўқолади, ўзи сондан чиқади. Эл-юрт назаридан қолади. Танангизга чуқурроқ ўйланг. Бир йил мобайнида ичкилик ичмай қандай яхши яшаб юрувдингиз. Бригадангиздагилар ҳам, оилангиздагилар ҳам ҳаётда тўғри йўлга тушиб олганлигингизни бош осмонда эди... Сўнгги насиҳатимиз кўзни каттароқ очинг, ҳали ҳам кеч эмас. Меҳнат билан, ҳа фақат ҳалол меҳнат билан одамлар меҳр-муҳаббатига, ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиш мумкин. Ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ.

— Раҳмат, азизлар, — миннатдорчилик билдирди Йўлдош ака айбини бўйнига олар экан. — Узр. Иродамни қўлга ололмай юзим яна шувут бўлди. Дилимдагини айтсам, қилмишим ўзимга ҳам қаттиқ кор қилди. Айниқса, сочинг оқарганида жуда оғир бўларкан... Отахонлар унинг елкасига қоққанча эшик томон юришди.

Ҳайитбой ака Абдуқодиров ўзига қадрдон бўлиб қолган файэли йўлдан уйи томоя оҳиста олимлаб бораркан ҳамқишлоқларининг бир-бирларига бўлган муносабатлари, одамийлиги ҳақида ўйларди. «Одамларимизнинг баҳоси йўқ. Улар бировларнинг муваффақиятидан кувона биладиган, ташвишларига шерик бўла оладиган олижаноб кишилардир».

У хонадонига кириб, ўзига бироз таскин бериш мақсадида ишком оралади. Молларга ем бериб, кўнгил ёзган бўлди. Сўнг стулга ўтирганча уйидагиларига, ён-атрофга ғамгин бир тикилди. Шу топда ўзига ҳам номаълум бўлган аллақандай ҳис-туйғу бутун вужудини қамраб олди. Бу ўз бахтидан, ҳаётидан қувониш, завқланиш туйғуси эди. Бирин кўриб фикр қиласан, иккини кўриб шукур қиласан, деганларидек, юқоридаги воқеа таъсирида «Хўш, ўзим қандай яшаяпман?», деган саволга жавоб ахтарган, негадир яна одамлар ҳақида ўйлади. Улар олдида ўзини бир умрга қарздор деб билди. Яшириб нима қилади, ким билсин ҳаётда ўзи ҳам адашган, эсланираган ўша кезларда яхши одамлар қўллаб-қувватлаб, тўғри йўл кўрсатмаганларида ҳозиргидек катта ҳурмат эътиборга сазовор бўлиб юрмаган бўлармиди. Ҳаёл уни ўтмишига етаклади.

...Эндигина уйланиб, мустақил ҳаёт бошлаганида оиласи олдидаги бурч масъулиятини чуқур ҳис қилиш, ўйимжойим дейиш ўрнига 5—6 нафар такасалтанга қўшилиб мазмунсиз ва мақсадсиз умр кечира бошлади. Бора-бора ичкилик йўлига кирди. Табиий, уйидан жанжал аримай қолди. Охири хотини бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ҳаётнинг ўзи энг яхши муаллим. Вақт ўтиши билан у инсон одамлар орасидагина одам бўла олиши, ҳар ким бахтиқболини пешона тери тўкиб топиши мумкинлигини чуқур тушуниб етди. Ёдида. Айни куз эди ўшанда. Боғ-роғлар, узумларда нақ пишиқчилик. Нақшин олмалар қўйи нурида товланиб, киши ақлини шоширади. Абдуқодиров боғ оралаб, катта ариқ ёнидаги ёнғоқ дарахтига суяганча ён-атрофга лоқайд кўз югуртирди. Ҳамма меҳнат завқи, ишаш, яратиш ишқи билан ёнади. Қизиқ, шундай саҳоватли кезларда ҳам унинг руҳи сўлгин, ҳаёли бўм-бўш, ҳаёт завқ-шавқ бағишламасди. Ўшанда мақсадсиз ва мазмунсиз яшашнинг қанчалик оғир эканлигини яна бир бор ҳис қилди. Шу топда колхозчилар мураббийси Худойберди отанинг «Одам ҳаётга қуруқ гавдасини кўтариб юриш учун эмас, элюртга наф келтириш учун келади. Такрорланмас умрни зое ўтказма. Одамларга суян, одамларга», деган сўзларини эслади-ю, беихтиёр 3-бригада дала шийпони томон юрди. У ерда Худойберди Ҳасанов, Йўлдош Матқолиқов, Наби Валиев каби нуронийларга юзланиб, дардини айтди.

—Балли, хатонгни тўғри тушунганлигингдан хурсандмиз, — кўпчилик фикрини ифодалади Наби ота. — Унутма, сенинг кўрилгинг кўпчилик учун катта сабоқ бўлди. Кўнгилни бузмай ҳаётингни бошқатдан бошла. Ҳаммамиз ҳар доим, ҳар ишда сенга мададкормиз.

Кўпчилик таклифи билан Ҳайитбой Абдуқодиров фермага ишга тайинланди. У масъулиятни чуқур ҳис қилди, муҳим тадбирларни амалга оширишда жон қойитиб ишлади. Меҳнатдаги ютуқлари эвазига кўпчилик ўртасида эсдалик совғаси билан мукофотланганида қанчалик қувонганини билсангиз эди. Одамлар ишончи, меҳру муҳаббатини қозона бошлагаанлигидан бош осмонда эди. Бу унга янги куч-қувват бағишлади. Қалбида келажакка бўлган ишонч, иштиёқ ҳиссини қучайтирди. Кўп ўтмай отахонларнинг маслаҳати ва яқиндан берган ёрдамлари туфайли уч болали бева аёлга уйланди. Турмуш ўртоғи Жўрабуви ҳам меҳнатсевар, оқила аёл экан. Колхоз правленеси, партия ташкилоти ҳам мазкур оилани мустаҳкамлаш, уларнинг тинч, фаровон ҳаёт кечириб кетишлари учун шарт-шароитларни муҳайё қилди. Ўз навбатида Ҳайитбой ва Жўрабувилар ўз миннатдорчиликлари, садоқатларини амалда намойиш этиб, далада сидқидилдан меҳнат қилдилар, сабзавотдан юқори ҳосил етиштиришга муносиб улуш қўшдилар. Ҳалол меҳнат уларни элга танитди, мартабасини баланд қилди, дастурхонлари янада тўкин бўлди. Бу орада фарзандлари Саидаҳмад, Саидмаҳмуд, Саидолимлар ҳам меҳнатсевар, эл ишига бел боғлаган кишилар бўлиб етишишди. Ота-она уларни ўйлантиришди. Қанчадан-қанча жажжи неварали бўлишди.

Мана, ҳозир қишлоқда аҳил, бир-бирларига оқибатли, пиру бадавлат оилалар ҳақида гап кетганда Абдуқодировлар оиласи биринчилар қаторида тилга олинади. Уларнинг қўни-қўшнилари бизнинг фарзандларимиз ҳам сиз ларникига ўхшаган оқибатли, меҳнатсевар бўлиб етишишса қанийди леб ният қилишади.

Инсон ҳаётда кўп нарсаларни унутиб юборишги мумкин. Аммо оғир дамларда сени суяган, меҳру оқибат кўрсатиб, тўғри йўлга тушиб олишингда ёрдам берган кишиларни бир умр эсдан чиқармас экансан. Ҳайитбой ака оиласи, фарзандларининг камолидан қувониб, қалбини илиқ ҳислар чулгаганида, барча жигарбандлари билан тўкин-дастурхон атрофида йиғилган чоғларида номлари қалбининг тўридан жой олган кишиларни зўр миннатдорчилик билан эслайди. Уларнинг олижаноблиги, одамийлиги олдида таъзим қилади!

* * *

Ота-онасидан эрта айрилиб, тақдир тақозоси билан Қримдан Тошкентга келиб қолган Рихсияни Халимпўш қишлогининг кекса боғбони Ўлмас ота Хўжамқулов оиласига бешинчи фарзанд қилиб қабул қилди. «Бизнинг ўйимизга сенинг ўйинг, боримизни баҳам кўриб, сени асло ёлғизлатиб қўймаймиз ўғлим», — деди ота уни остона ҳатлатиб ҳовлисига етаклаб кираркан. Ота умр йўлдоши Ойимсара ая билан қизни фарзандлари қаторида оқ тараб, оқ кийинтириб, меҳру муҳаббатларини пайванд қилдилар. Рихсия яхши эслайди. Гоҳо байрамларда, туғилган кунларида чолу кампир ҳарна бўлса ҳам шунга бўлсин, кўнгли ўксимасин, дея бисотларидаги у-бу ҳисобига унга совға олиб берилган кезлар кўп бўлган...

Йиллар ўтган сайин Рихсия серқуёш диёр замонига, мана шу очиққўнгил, меҳрибон, дилкаш кишиларга меҳр қўйди, уларга бир умр боғланиб қолди. Кези келганида колхозда ишлаб оила тинчи, дастурхонининг тўкин-сочинлиги ҳақида барча билан баб-баравар бош қотирди. Ойниқса, Ойимсара ая вафотидан сўнг уй-рўзғор юмушларининг оғирини ўз зиммасига олди. Кейинчалик эса Ўлмас отанинг иккинчи умр йўлдоши Лутфия ая ёнига кириб, ҳар ишда унга мададкор бўлди.

Кекса боғбон Ўлмас ота ўз ҳаёти, фарзандларининг камолидан мамнун эди. Энди қўша-қўша тўй қилиб, элюрт олдига дастурхон ёзаман деб ният қилиб юрган кезларида дардга чалинди... Рихсия отанинг сўнгги сўзларини яхши эслайди: «Одамларга суянинглар, яхшиларга эргашинглар, уларнинг меҳру муҳаббатидан асло бенасиб бўлманглар» деганди у ёруғ жаҳондан кўз юмаётиб.

Йиллар ўтди. Оила бошлиги Самиҳ ака кўпчиликнинг маслаҳатига амал қилиб Рихсия билан укаси Сиддиқжоннинг тўйларини бежирим, бир умр эсда қоларли қилиб ўтказиб берди. Сиддиқжон камтар, камсуқум, отаси каби ҳар нинҳолларни парваришлашни ҳаддини олган йигит эди. У йиллар мобайнида Рихсия билан колхозда сидқидилдан ишлади. Эл-юрт ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлди. Рихсия билан бахтли ҳаёт кечириб, бир-биридан ширин саккиз фарзандининг эгалари бўлишди. Улар ўз қувончу ташвишлари билан роят бахтиёр эдилар. Ота-онанинг орзу-умидлари кўп эди. Аммо ҳаётда ҳамма нарса сен ўйлаганча, хоҳлаганча бўлавермас экан. Кутилмаганда Сиддиқжон ака оғир дардга чалиниб вафот этди. Бу кўргилик Рихсия опани довдиратиб қўйди. Ахир, саккиз фарзандининг ҳаммаси ёш, кейинги икки нафари эса қўлида. Бироқ, ўша оғир дамларда яхши одамлар, хусусан 4-бригада аъзолари уларни ёлғизлатиб қўйишмади. Самиҳ ака ёнига кириб, маъракаларни беками-кўст ўтказиб бердилар. Колхоз раиси Қўчқор ака Латиповдан тортиб кекса соҳибкорлар Йўлдош ота Эргашев, Маҳсум ота Солиҳовларгача бу оилага ёрдам бериш, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилдилар. Рихсия опа айниқса, Йўлчи ота Матқолиқов, Азиз ота Зиёевлардан миннатдор. Улар Насиба, Нафиса, Наималарни ёнларига олиб, деҳқончилик илмини ўргатдилар, одамийликдан дарс бердилар. Ёдида. Бир куни оқшом чоғида уйига қизлари ва Йўлчи ота кириб келишди. Қизлар оналари ёнига иймонибгина яқинлашиб, унинг олдига биринчи маошларини қўйишди. Онаизорнинг ўша кездаги ҳолатини сўз билан ифодалаш қийин эди.

— Болам, — деди ота вазмин оҳангда, — инсон қадр-қиммати, меҳнати юксак қадрланаётган бизнинг Ватанда, замонада ҳеч кимнинг азиз боши эгик бўлмайди. Киши-кишига дўст, ўртоқ, биродар деб шунга айтадилар. Шукур қил. Ҳадемай, қийин дамлар унут бўлиб кетади.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Мазкур оила яхши одамлар ёрдамида оёққа турди. Ўниб-ўсди. Барчалари колхозда ҳалол меҳнат қилиб, кўпчилик ўртасида оғизга тушдилар. Ҳозирда эл-юрт ишига бел боғлаб, одамларнинг яхшилигини қайтаришмоқда.

...Рихсия опа бугун ишдан барвақт қайтиб, фарзандларининг «ҳай-ҳай»ларига қарамай ошкомга жой солиб, дастурхон ёсади. Ўз қўли билан тандир сомса қилди. Райхону жамбиллардан гулдаста ясади. Кўп ўтмай файэли ҳовлиси қизлари, куёвлари, неваралари билан тўлди. Шу топда ҳовлини бошига кўтариб, елиб-югураётган жажжи неваларига, суюкли фарзандларига меҳр билан тикиларкан, қалби кувонига тўлди, оғир дамларда қўллаб-қувватлаган кишиларга нисбатан ҳурмат, эътиқоди ошди. Бир четда онаизорининг ҳолатини кузатиб турган катта қизи Насиба унга оҳиста яқинлашиб гапга тутди: «Ойижон, эсингиздами, отам вафот этган куни энди бир этак бола билан нима қилдим, дея эзилиб йиғлаганингиз». Рихсия опа бир сония қизига тикилиб тургач бош силкиганча деди: «Одамларга таъзим қилайлик қизим, одамларга. Уларнинг меҳру муҳаббатидан, эътиборидан асло бенасиб бўлмайлик».

Миргиёс ҚАЮМОВ.
Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз.

СПОРТ

Халқаро классдаги спорт мастери Собир Рўзиев номини на фақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Моҳир қиличбоз бир неча бор Бутуниттифоқ ва халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллаган. Жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинларида команда ҳисобида кумуш медаль соҳиби Собир Рўзиев СССР терма командаси сафида кўплаб халқаро турнирларда иштирок этган. Ўзбекистон терма командаси пешқадами айни пайтда бўлажак мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрапти.

Суратда: халқаро классдаги спорт мастери Собир Рўзиев.

А. Рискиев фотоси.
(ЎзТАГ).

ФУТБОЛ

МАЙДОН ЭГАЛАРИ УСТУНЛИГИДА

СССР чемпионатининг олий лигасидаги навбатдаги тур учрашувлари майдон эгаларининг тўла устунлиги остида ўтди.

Шуниси диққатга сазоворки, бўлиб ўтган олти учрашувнинг барчасида мезбонлар ғалаба қозонишди. Мазкур ўйинлар давомида дарвозаларга 17 та тўп киритилди. Шулардан 12 таси майдон эгалари, 5 таси эса меҳмонлар ҳисобига ёзилди.

«Пахтакор» футболчилари бу турда навбатдаги ғалабани қўлга киритишди. Улар Харьковнинг «Металлист» коллективини қабул қилишди. Учрашувнинг биринчи бўлими пахтакорчилар устунлиги остида ўтди. 32-минутда меҳмонлар ўз жарима майдонларида ўйин қоидасини бузишлар. Натижада учрашув ҳаками пенальти тўпи белгилади. Команда капитани Андрей Якубик бу имкониятдан моҳирона фойдаланиб, пахтакорчиларни олдинга олиб чиқди.

Танаффуслан сўнг харьковлик футболчилар жанговар ўйин намойиш эта бошладилар. Улар имконият бўлди дегунча дарвозани нишонга олишга ҳаракат қилишди. Меҳмонлар томонидан уюштирилган навбатдаги ҳужумларнинг биринда мезбонлар ўйин қоидасини бузишди. Энди пенальти тепиш меҳмонларга насиб этди. Горбик томонидан зарб билан йўналтирилган тўп дарвоза тўрига келиб тушди. 1:1 ҳисоби 78-минутда ўзгарди. Бўлда яна пахтакорчилар капитани ўзини кўрсатиб, харьковликлар дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Бу Якубикнинг чемпионатдаги ўн учинчи тўпи бўлди. Шундай қилиб, «Пахтакор» командаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, жамғармасидаги очколар сонини 23 тага етказди.

Биринчилик пешқадами — Минскнинг «Динамо» командаси бу турда муҳим икки очкони йўқотди. Белорус футболчилари Одессада маҳаллий «Черноморец» коллективига қарши тўп суришди. Ўйин одессаликларнинг тезкорликдаги ҳужуми билан бошланди. Улар кетма-кет минскликлар дарвозаси олдида хавфли вазиятлар содир этишди. Ана шундай вазиятларнинг бирида майдон эгаларининг ўйинчиси Покошин (42-минут) нишонни аниқ қилди. Меҳмонларни дорга қолдирди. Бу ҳисоб учрашув охиригача ўзгармади.

Олмаотадаги «Қайрат» ва «Днепр» (Днепропетровск) командалари ўртасидаги ўйин тақдирини ҳам яхши тўп ҳал қилди. Танаффусга чиқиш олдидан олмаоталиклар уюштирган ҳужумларнинг бири муваффақиятли якунланди. Бунда Гладилин ўзини кўрсатди.

Бокудаги учрашув ниҳоятда жанговар ўтди. Бу ерда майдон эгалари — «Нефтчи» футболчилари турнир жадвалининг сўнгги поғоналаридан бирини эгаллаб турган Кутаисининг «Торпедо» коллективини қабул қилишди. Томошабинлар 90 минут давомида дарвозаларга киритилган 5 та тўпнинг шоҳиди бўлишди. Шундан учтасини майдон эгалари, иккитасини эса меҳмонлар ўз ҳисобларига ёзишди.

«Арарат» — ЦСКА учрашувида ҳам дарвозаларга бешта тўп киритилди. Қизиқарли ўтган ўйинда арманистонлик футболчилар 3:2 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Тбилисининг «Динамо» командаси ўз майдонида Москванинг «Торпедо» коллективини қабул қилди. Учрашувни ташаббускорликда ўтказган грузин футболчилари торпедочилар дарвозасига жавобсиз икки тўп киритишди.

Чемпионатда ҳамон 29 очко тўплаган Минскнинг «Динамо» коллективи пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Арарат» командасида 27 та очко бор. Учинчи ўринни эса 25 очко тўплаган Тбилисининг «Динамо» коллективи эгаллаб турибди.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 20 августда чиқади.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу сизнинг биринчи бурчингиз.
Ж. Ж. РУССО.

Бошига кулфат тушган одамга яхши сўз билан тасалли бериш, кўпинча темир йўлдаги кўрсаткичи вақтида тўғрилаб қўйишдек муҳимдир.
Г. БИЧЕР.

Яхшилик қилган чоғингда кўксинг қандайдир тоғдек кўтарилиб, қонуний ғурурланасан, соф виждонли одамдагина шундай бўлади.
М. МОНТЕНЬ.

Бегам бўлманг, ғафлатда қолманг! Ҳали навқирон, кучли, тетик экансиз, яхшилик қилишдан толманг.
А. П. ЧЕХОВ.

Ҳаётимизнинг абадий ва олий мақсади — эзгуликдир. Яхшиликни биз қандай тушунмайлик, ҳаётимизнинг ўзи яхшиликка интилишдан бошқа нарса эмас.
Л. Н. ТОЛСТОЙ.

Китоб районидаги гилам тўқиш фабрикаси коллективи амалдаги йилнинг саккиз ойлик планини муддатидан олдин адо этди. Эришилган бу муваффақиятга корхонанинг Шаҳодат Ғафурова, Муҳаббат Маматқулова каби илғор ишчилари катта ҳисса қўшдилар.

Суратда: корхонанинг илғор тўқувчилари Қурбонгул Ўринова (чапда) ва Муҳаббат Маматқуловалар маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

Ш. Шаропов фотоси.
(ЎзТАГ).

ХАЛОСКОР МУШУК

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

Олатдаги дам олиш кунларидан бири эди. Боғимиздаги ўрик устига чиқиб олиб, атрофни кузатиб ўтирар эдим. Шу пайт ҳовлисини бизга вақтинча ташлаб, кўчиб кетган бир девор қўшнимизнинг боғида итнинг қаттиқ ғингшиб ҳуриши, мушукнинг нажот сўраб ёлворганисмон «миёв»лашини эшитиб қолдим. Дарахтдан тушдимда, деворлан мўраладим.

Боғ тўрида ўсиб турган баланд терак тагида бир катта қора ит дарахтга тирмашиб чиқмоқчи бўлар, лекин чиқолмас, терак тепасига қараб, бўйнини чўзиб вовуллар, азбаройи жаҳли чиқанидан бўлса керак, кўриниши қўрқинчли тус олган эди. Итнинг бу ҳатти-ҳаракати мени қайрон қилиб қўйди. Боғ ичқарисига кўз югуртирдим. Унда на одам, на мушук ва на бошқа бирор жонзотнинг шарпасини сезмадим. Ит эса ҳаммон терак тепасига қараб, ҳурғани-ҳурганди.

Шу пайт отамнинг «Қора кўрмай, ит ҳурмас» деган гапи ёдимга тушди. Бунда бир сир бўлса керак, деб теракка қарадим. Кўзим дарахт барглари орасига яшириниб олган бир сариқ мушукка тушди.

Орадан сал вақт ўтмай, мушук боғнинг кун ботар томонига қараб, икки марта «миёв-миёв» деб қўйди. Бу унинг ўз тилида «Мени қутқар» деган «сигнали» эканлиги маълум бўлди. Кўп ўтмай, бир катта оламушук ўша томонлаги девордан ўтиб, итга яқинлашиб кела бошлади. Мен ҳам нисиб келаётган мушукка кўринмай, уни кузата бошладим. Итга 8—10 метрлар чамаси қолганда мушук қалдирги ростлаб, у томон шундай тезлик билан югурдики, думига тегар-тегмас бўлиб, ёнидан ўта чақонлик билан ўтиб кетди. Бу ҳолдан ит саросимга тушиб қолди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олиб, унинг кетидан қувлашга тушди. Иккаласи қувлашиб, қўшни ҳовли томон ўтиб кетишди. Улар кўздан йўқолиши биланоқ терак тепасиларги мушук тушдию қочиб колди.

Бўлиб ўтган шу воқеадан кейин нега оламушук ўзини «ўтга» ўрганганлиги менга равшан бўлиб қолди. Терак тепасиларги сариқ мушук унинг жуфти экан. Уни қутқариш учун шундай бир ҳийла-тадбир ишлатган экан.

Қаранг, ўз жуфти ҳалолига вафодорлик, бошига мушкул иш тушганда ёрдам қўлини чўзиш, керак бўлса, ҳатто жонини ҳам фидо қилиш каби ҳислатлар фақат инсонларгагина хос бўлмай, жонивор лар ҳаётида ҳам учраб турар экан.

Е. ШОИНАЗАРОВ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

ПАЙШАНБА

19 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «СССР халқ артисти М. Ульянов А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» романининг 1-бобини ўқиди». Фильм-концерт.
10.35 Ж. М. Дамаз. «Концертино».
10.50 «Ўқираётган ҳайвонга муҳаббат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.55 Сиктивкар шаҳар Бутунроссия конкурси лауреати баяничилар триоси ижро этади.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Новороссийск мудофаасининг 40 йиллигига. Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.00 Болалар учун фильм. «Қандай қилиб эркак бўлиш мумкин».
17.05 «Шахмат мактаби». «Таниш — шахматлар». 1-кўрсатув.
17.35 «Ҳаёт бахш этувчилар». Телевизион ҳужжатли фильм.
18.25 «Нима учун филлар», «Кнопкачалар ва одамчалар». Мультфильмлар.
18.55 Курск область Хомутов районидаги Киров номли колхозда кадрларни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Биз БАМни қурямиз».
20.05 Ереван шаҳар темир йўлчилар Маданият саройи халқ рақс ансамблининг концерти.
20.20 «Ўқираётган ҳайвонга муҳаббат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 РСФСР халқ артисти Г. Писаренко концерти.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 «Океанни кўраяпман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «1982 йил қушиқлари».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал.
21.15 Туркманистон ССР Керки шаҳридаги «Оқ олтин» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Салом, мен келдим». Телевизион бадиий фильм.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (такрорий).
12.00 «Менинг меҳрибон дадам». Телеспектакль (рус.).
13.10 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Олма ҳақида эртак». Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшларнинг меҳнат дастхати» (рус.).
19.00 «Ўлмас ҳунар». Маҳаллий саноат ва истеъмол буюмлари. 1-кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ижод саҳифалари». Усмон Носир.
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Икки миллион тенга «каҳрабо дон» учун».
22.25 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
23.30 Янгиликлар.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. 03106

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000. ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КУЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64543.

А. 1092. 14